

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

РАҲМАТОВ ҲАСАН ЎТКИРОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
ТИЖОРАТ БАНК АКТИВЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по
экономическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science
(DSc) on economical sciences**

Раҳматов Ҳасан Ўткирович

Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида тижорат банк
активлари самарадорлигини ошириш масалалари 3

Раҳматов Ҳасан Уткирович

Вопросы повышения эффективности активов коммерческих
банков в условиях диверсификации экономики..... 31

Rahmatov Hasan Utkirovich

Issues of increasing the efficiency of commercial banking assets in the
conditions of diversification of the economy..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 64

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

РАҲМАТОВ ҲАСАН ЎТКИРОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
ТИЖОРАТ БАНК АКТИВЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/Iqt/383 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Хашимов Акром Абдиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Норбой Ғаниевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Исмоилов Алишер Агзамович
иқтисодиёт фанлари доктори

Пўлатов Дилшод Ҳақбердиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат __даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (935-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ - рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон банклари амалиётига кўра, соғлом активлар ҳажмининг ошиб бориши банклар ривожланишининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Хусусан, «Banks around the World» ва «S&P Global Market Intelligence» нашрларининг ҳисоботларига кўра, «жаҳон банклари активларининг асосий улуши 100 та банк, жумладан Хитой – 20 та, АҚШ – 10 та, Буюк Британия – 6 та, Франция – 6 та, Япония – 9 та, Германия – 6 та, Канада – 5 та, Жанубий Корея – 5 та, Бразилия – 5 та, Австралия – 4 та, Италия – 3 та, Испания – 3 та, Нидерландия – 3 та, Сингапур – 2 та, Швейцария – 2 та банклари ҳиссасига тўғри келмоқда»¹.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, жаҳон банклари активлари шаклланишидаги айрим номутаносибликлар халқаро миқёсда банклар тармоғининг инқирозга юз тутиши, халқаро иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг пасайиши хавфини оширади. Шу боис хорижий банклар ва халқаро молия институтлари рақамли банк концепциясини йўлга қўйиш, активларни мақбул соҳаларга жойлаштиришнинг илғор инновацион технологияларга асосланган усулларини ривожлантириш, активларни ҳимоялашнинг мукамал тизимларини жорий этиш, банк таваккалчиликларини баҳолашнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунингдек, жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари томонидан глобаллашув шароитида халқаро миқёсда банк тизимининг амал қилиш механизмлари, халқаро банк активларининг шаклланиш ва тақсимланиш тамойилларини тадқиқ этиш каби илмий тенденциялар фаоллашмоқда.

Ўзбекистон Республикасида жаҳон молиявий бозоридаги тенденциялар таҳлили асосида миллий банк тизимини ислоҳ қилиш, банклар томонидан халқаро стандартлар даражасида мижозларга хизматларни йўлга қўйишни давр тақозо этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида банк тизими, шу жумладан, тижорат банклари фаолиятини янада ривожлантириш ва банк хизмат турларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган². Таҳлилларга кўра, миллий банк тизими фаолияти самарадорлигини баҳолаш соҳасида олимлар ва амалиётчилар томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилишига қарамасдан, ушбу соҳада бир қатор масалалар мунозарали бўлиб қолмоқда. Жумладан, банк фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона стандартлар, умумий қабул

¹ "The world's 100 largest banks". Standard & Poor. April 6, 2018, 2. <https://www.relbanks.com>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. - Т.: "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", № 6, 2017 йил 13 февраль.

қилинган ва келишилган методологиянинг мукаммал эмаслиги мавжуд муаммолар етарли даражада тадқиқ этилмаганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги ЎРҚ-580-сон «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 11 ноябрдаги ПФ-5877-сон «Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 31 январдаги ПҚ-4141-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини чиқаришни ташкиллаштириш ва суверен кредит рейтингини сақлаб туриш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4487-сон «Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Тижорат банк активлари самарадорлигини ошириш масалалари бўйича

³Диссертация ишида қуйидаги бир қатор хорижий илмий тадқиқотлар ва иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларидан фойдаланилган: The International Monetary Fund (IMF), Annual Report on Building a Shared Future (Washington, D.C., April 30, 2018.); Friedman, B.M. (2001). «Monetary Policy». International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences. pp. 9976–9984.; «The world's 100 largest banks». Standard & Poor. April 6, 2018; Basel Committee on Banking Supervision. www.bis.org.; Hubbard, Douglas (2009). The Failure of Risk Management: Why it is Broken and How to Fix It. John Wiley & Sons. p. 46; Yakov Amihud and Haim Mendelson, «Asset Pricing and the Bid-Ask Spread.» Journal of Financial Economics 17, 1986; Mueller, Jim. «Understanding Financial Liquidity». Investopedia.com. Investopedia US. Archived from the original on 2 May 2018; International Finance Corporation (IFC), Annual Report on Redefining Development Finance, World Bank Open Data 2018; Angbazo, L. 1997. Commercial bank net interest margins, default risk, interest-rate risk, and Off-balance sheet banking, Journal of Banking and Finance, 21, 55-87.; Anjichi D.A. (2014). Effects of Asset and Liability Management on the Financial Performance of Commercial Banks in Kenya. University of Nairobi.; «Using CAMELS Ratings to Monitor Bank Conditions». FRBSF.org. Retrieved June 22, 2017.; Gorbunova E.I. (2018) Evaluation the activities of the commercial banks of the Russian federation based on the camels model Economic research. – Vol.4, №2, 2018.; О. И. Лаврушина Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент). - М.: Юристъ, 2003. -526 с.; Владыка М.В., Бурдинская Д.М., Горбунова Е.И., (2017). Развитие методов государственного банковского регулирования и надзора: федеральный и региональный аспекты реформирования // Фундаментальные исследования. 2017. № 2. С. 114–119.; Исаева Е.А., Бухтуев К.А., Нехорошева М.А., (2016). Анализ надежности коммерческих банков с использованием рейтинговой системы CAMEL // Экономика и современный менеджмент: теория и практика. 2016. № 56. С. 35-43.; Селиверстов А.В., (2017). Модель CAMELS – система оценки эффективности коммерческого банка // Аллея Науки. 2017.

тадқиқотлар жаҳондаги бир қатор етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, International Monetary Fund (АҚШ), World Bank (АҚШ), International Bank for Reconstruction and Development (АҚШ), International Finance Corporation (АҚШ), Central American Bank for Economic Integration (Гондурас), Asian Development Bank (Филиппин), European Bank for Reconstruction and Development (Буюк Британия), JP Morgan (АҚШ), Harvard University (АҚШ), London School of Economics and Political Science (LSE) (Буюк Британия), University of Oxford (Буюк Британия), University of Cambridge (Буюк Британия), The University of Tokyo (Япония), London Business School (Буюк Британия) каби муассасаларида олиб борилмоқда.

Тижорат банклари активлари самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилган тадқиқотларда қуйидаги илмий натижалар олинган: жумладан банкларнинг актив ва пасивларини бошқариш назариялари ва стратегиялари кўриб чиқилган (Stanford University, АҚШ); банк активлари портфели шаклланишининг муҳим мезонлари ва тамойиллари яратилган (The London School of Economics and Political Science, Буюк Британия); банк активлари самарадорлигини оширишнинг амонавий усуллари ишлаб чиқилган (National University of Singapore, Сингапур); тижорат банкларининг актив ва пасивларини самарали бошқариш орқали ликвидлилик ва даромадлилик муаммоси ҳал этилган (London Business School, Буюк Британия), активлар портфелининг оптимал шаклланиш стратегияси ишлаб чиқилган ва амалга оширилган (Duke University, АҚШ); активларнинг шаклланиши билан боғлиқ ички тартиб-қоидалар такомиллаштирилган (National Research University Higher School of Economics, Россия Федерацияси); активлар самарадорлигини баҳолашнинг янги усуллари жорий этилган ва амалиётга татбиқ этилган (The Shanghai University of Finance and Economics, Хитой); тижорат банклари активларини ҳимоялашда рискларни бошқаришнинг амалий ва услубий муаммолари тадқиқ этилган (Lomonosov Moscow State University, Россия Федерацияси); банк активлари портфелини шакллантириш концепциясини такомиллаштириш ва оптималлаштириш механизми ривожлантирилган (Seoul National University, Жанубий Корея).

Жаҳоннинг йирик илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларида тижорат банклари активлари амалиётлари самарадорлигини ошириш борасида қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: банк активларини жойлаштиришда рақамли банк концепцияси асосида инновацион дастурий таъминот ва махсус платформалар хизматларини кенг жорий этиш; дастурий кредит скоринги ва мижозларнинг кредит тарихи мажмуини шакллантириш; чакана ва корпоратив банк бизнесини кредитлашда мижозга йўналтирилган стратегиянинг замонавий дастакларини ўзлаштириш; актив амалиётлар бўйича янги банк маҳсулотларини жорий этиш; актив амалиётлар билан

боғлиқ рискларни прогнозлаш моделларини яратиш, банк рискларини дастурий кузатиб боришнинг янги тизимларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари активлари самарадорлигини оширишнинг илмий-методологик жиҳатлари бир қатор хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Жумладан, Р. Нагле, Н. Ёин, К. Омбаба, А. Кхалид, Ж. Мичаел, Р. Левине, А. Абата, К. Барлтруп, Д. Мак Нотон, К. Скиннер, Г.Г. Коробова, Р.А. Карпова, А.Ф. Рябова, В.А. Ларионова, Г.Ж. Курдуюмов, Е.А. Нестеренко, С.А. Шульков, М. Фаррелл, К.В. Толчина, Г.Д. Лепекин, С.Р. Моисеева, С.В. Голован, Р. Баширова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган⁴,

Ўзбекистон банк тизимида активлар самарадорлигини таъминлашнинг айрим амалий ва назарий жиҳатлари Н.Ф. Каримов, О.К. Иминов, Ш.З. Абдуллаева, З.С. Умарова, К.А. Мухамеджанов, Д.А. Саидов, Д.Х. Пулатов, У.Ў. Азизов, Б.Т. Бердияров, Б.А. Абдуғаниев, У.А. Тухтабаев, И.Я. Қуллиев, Н.Э. Жиянова, М.Х. Элмурадов, Х.А. Тухсанов, Р.М. Юнусов, З.Х. Каримова, З.К. Сидикова, Қ.Ф. Тошматов, М.Ш. Хожибоев, Д.Ж. Суюнова, И.М. Сайпидинов, Н.Р. Кузиева, О.Ф. Алиқориев, З.Б. Мустафоев, Б.К. Мирзамайдинов, М.М. Абдурахманова, Р.Р. Тожиев, О.Б. Саттаров, А.А. Кифак, Э.А. Муминова, Н.Ф. Идиев, Ф.Н. Насриддинов, Н.Ф. Каримов, В.В. Пшеничников ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган⁵.

⁴Nagle R., 1991, Bank Consolidation into the Twenty-first Century,» The Bankers Magazine, 18-24.; Yin, N. P. 1999. Look at Taiwan's Banking Problems from Asia Financial Crisis, *Banking Finance.1.*; Ombaba K.B Mwengei, (2013). Assessing the Factors Contributing to Non – Performance Loans in Kenyan Banks, *European Journal of Business and Management* 5 (32), 2013.; Khalid A., (2012). The impact of Asset Quality on Profitability of Private Banks in India: A Case Study of JK, ICICI, HDFC & YES Banks. *African Macroeconomic Review*, 2 (1).; Michael, JN. (2010). Effect of Non-Performing Assets on Operational Efficiency of Central-Cooperative Banks, *Indian Economic Panorama*, 16(3), 33-39.; Levine, R. (2008). The legal environment, banks, and long run economic growth. *Journal of Money, Credit and Banking*. 3(1), 91-100.; Abata, M. A., (2014). Assets quality and bank performance: A Study of Commercial Banks in Nigeria, *Research Journal of Finance and Accounting*, 5 (18), 39 – 44.; Барлтруп К. и МакНотон Д. Банковские учреждения в развивающихся рынках. Всемирный банк, Вашингтон, 1993. с. 53-54.; Скиннер К. Будущее банкинга. Пер. с англ. – Минск: Гревцов Паблицер, 2009. – С. 294. Коробова и др. Банковское дело. Учебник. - М.: Экономист, 2006.-766 с. (132-143-бетлар).

⁵ Каримов Н.Ф. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари. докторлик диссертацияси. - Т.: 2008.; Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш масалалари. Докторлик диссертацияси.- Т.: 2001.; Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш. Докторлик диссертацияси. - Т.: 2000.; Умарова З.С. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2011.; Мухамеджанов К.А. Пути совершенствования управления кредитным портфелем и кредитными рисками коммерческого банка. Дис. канд. экон.наук.-2010.; Саидов Д.А. Тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиёти ва уни такомиллаштириш йўллари. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2008.; Пулатов Д.Х. Модернизация кредитной политики в условиях реформирования банковской системы в республике Узбекистан. Дис. канд. экон.наук.-2008.; Азизов У.Ў., Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришни такомиллаштириш масалалари. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2004.; Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлиги. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2002., Абдуғаниев Б.А. Молиявий манбалар ва банк кредитларининг самарадорлиги муаммолари (Тошкент вилояти кишлок хўжалиги корхоналари мисолида). Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2004.; Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2007.; Қуллиев И.Я. Кредит баҳосининг шаклланиши ва уни такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2010., Жиянова Н.Э. Тижорат банклари активлари ва пассивларини самарали бошқариш йўналишлари. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2010.; Элмурадов М.Х. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион фаолият ва уни кредит билан таъминлаш масалалари. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2001.; Тухсанов Х.А. Процентная политика банков и вопросы её регулирования в условиях рыночной экономики (На примере Республики

Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, тижорат банклари активлари самарадорлигини ошириш омилларига илмий-услубий ягона ёндашув мавжуд эмас. Айниқса, тижорат банклари активлари сифатини интенсив оширишнинг амалий ва услубий муаммолари, соғлом банк активлари портфели шаклланишининг муҳим мезонлари ва тамойиллари тадқиқи, тижорат банклари тизимида инновацион дастурий таъминот ва махсус платформалар хизматларидан самарали фойдаланиш механизмлари ҳамда тижорат банклари активларини химоялашда рискларни бошқаришнинг амалий ва услубий муаммолари чуқур ўрганилмаган. Ушбу масалаларни миллий иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида тадқиқ этиш, илмий-услубий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш мавзуни танлашга замин яратди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг «Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш» мавзуидаги илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ равишда бажарилган.

Узбекистан). Дис. канд. экон. наук.-2006., Юнусов Р.М. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларининг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўллари. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2009.; Каримова З.Х. Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида кишлок хўжалигида молия-кредит механизмини такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2006.; Сидикова З.К. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг молия-кредит муносабатларини такомиллаштириш йўналишлари. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2004.; Тошматов Қ.Ф. Фермер хўжалиklarини кредитлаш механизмини такомиллаштириш орқали кишлок хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2010.; Хожибоев М.Ш. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер ва деҳқон хўжалиklarини кредитлаш тизимини такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2011.; Суюнова Д.Ж. Правовое регулирование кредитных отношений в Республике Узбекистан и проблемы его совершенствования. Дис. канд. экон. наук. 2012.; Сайпидинов И.М. Основные пути совершенствования кредитования коммерческими банками субъектов малого бизнеса (на материалах Республики Кыргызстан). Дис. канд. экон. наук.-2010.; Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2008.; Алиқориев О.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2011.; Мустафоев З. Банк маркетинги — молия бозори шаклланиши ва ривожланишининг асоси. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 1998.; Мирзамайдинов Б.К. Банк хизматида маркетинг самарадорлиги («Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ мисолида). Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2008.; Абдурахманова М.М. Банк хизматлари бозорида маркетинг фаолиятини ривожлантириш. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2011.; Тожиев Р.Р. Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришнинг инновацион стратегияси («Агробанк» АТБ мисолида). Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2011.; Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлашни такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2009.; Кифак А.А. Измерение риска в целях регулирования национальных банковских систем в условиях современных кризисных вызовов. Дис. канд. экон. наук.-2015.; Муминова Э.А. Тижорат банкларида ипотека кредити рискларини бошқаришни такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2011.; Идиев Н.Ф. Тижорат банклари аудиторлик рискларини баҳолашни такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2011.; Насриддинов Ф.Н. Тижорат банкларида риск-менежмент тизимини такомиллаштириш йўллари. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 2012.; Каримов Н.Ф. Рисклар ва тижорат банкларининг фойдасини шакллантириш муаммолари. Номзодлик диссертацияси. - Т.: 1998.; Пшеничников В.В. Природа банковских рисков и пути их снижения. Дис. канд. экон. наук.-2000.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодий диверсификациялаш шароитида тижорат банки активлари самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

банк активларининг самарадорлигини ошириш хусусидаги илмий-назарий қарашлар эволюцияси, банк активлари портфели шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини, банк активлари самарадорлигини оширишнинг анъанавий ва замонавий усуллари ҳамда ёндашувларини тадқиқ этиш;

банк активлари самарадорлигини оширишда ривожланган мамлакатлар тажрибаси, тижорат банклари тизимидаги инновацион дастурий таъминот ва махсус платформалар хизматлари, кучли ва барқарор банк муҳитини яратиш йўналишларини таҳлил этиш;

тижорат банклари активлари самарадорлик кўрсаткичларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, самарадорлик кўрсаткичларининг амалдаги ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичларига таъсир қилувчи омиллар таҳлилининг амалга ошириш;

тижорат банклари активлари сифатини интенсив оширишнинг амалий ва услубий муаммоларини таҳлил этиш натижасида тижорат банклари активларини макро ва микро тақсимоти инструментларини қўллашнинг асосий жиҳатлари, тижорат банклари активларини ҳимоялашда рискларни бошқаришнинг амалий ва услубий механизмларини ишлаб чиқиш;

миллий иқтисодий ҳаётда соғлом банк активлари портфелини шакллантириш концепциясини такомиллаштириш асосида тижорат банкларида активлар самарадорлигини ҳамда рискка асосланган назоратини ривожлантириш истиқболлари бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети иқтисодий диверсификациялаш шароитида тижорат банклари активлари самарадорлигини ошириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий абстракциялаш, эмпирик, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик маълумотларни гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, танлама кузатув, корреляцион ва регрессион таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларида активлар портфели самарадорлигини оширишнинг активларни бошқариш стратегиясини жорий этиш, жойлаштиришнинг мақбул ҳажмларини белгилаш ва активлар портфелини оптималлаштириш жараёнларидан иборат «кўп поғонали» модели ишлаб чиқилган;

тижорат банклари миқдорларини «кредит конвейери» усули асосида фаол кредитлаш механизмининг жорий этиш орқали барқарор активлар ҳажмининг ошириш таклифи асосланган;

тижорат банклари актив амалиётларини амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган рисклар салбий таъсирини камайтириш механизми сифатида «риск-аппетити»ни аниқлаш услуги такомиллаштирилган;

тижорат банкларида соғлом активлар портфелини шакллантириш амалиёти «эрта огоҳлантирув эҳтимолий индикаторлари тизими» асосида такомиллаштирилган;

тижорат банклари активлари қийматининг ўсиш даражаси ҳамда кредитлашнинг мақбул ўртача фоизини аниқлаш банк активларининг самарадорлигига ресурс омилларининг таъсирини баҳолаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари фаолиятида кредитлаш стандартлари инструментларини самарали қўллаш орқали активларнинг даромадлик даражасини ошириш, макро инструментлар таъсирига мослашувчанликни таъминлаш асосида соғлом активлар портфелини шакллантириш бўйича таклифлар берилган;

тижорат банкларида риск менежменти тузилмасини мақбуллаштириш ва уни актив амалиётлар билан тўлиқ интеграциясини йўлга қўйиш орқали активлар билан боғлиқ рискларни самарали бошқариш механизми ишлаб чиқилган;

тижорат банкларида риск кўрсаткичларини дастурий кузатиб бориш, риск омилларини комплекс таҳлил қилишни назарда тутувчи активлар назоратини ривожлантириш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг тижорат банклари активлари самарадорлигини ривожлантириш истиқболлари бўйича илмий-назарий фикрларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, норматив-ҳуқуқий асосларни ўрганиш ва умумлаштириш, республикамизда тижорат банклари активлари самарадорлигини ошириш натижалари ҳамда миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларига асосланганлиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари йиллик ҳисобот маълумотлари, «Ahbor-reyting» агентлиги ҳамда расмий статистик маълумотлар ва ҳисоботларига асосланиб, жараённи таҳлил қилиш орқали хулосалар қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти эришилган натижалардан соҳа қонунчилигини ривожлантириш, иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида банк фаолияти билан боғлиқ фанларни талабаларга ўқитиш, ўқув дастурлари, қўлланмалари, дарсликлари тайёрлаш, шу билан бирга, банк иши бўйича илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун муҳим манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тижорат банкларида активларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш, активлар билан боғлиқ

рискларни баҳолаш усулларини такомиллаштириш, активлар самарадорлигини ошириш борасида асосланган бошқарув қарорлари қабул қилишда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банклари активлари самарадорлигини ошириш истиқболлари бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

соғлом банк активлари портфелини шакллантириш концепцияси, банк активлари портфелини оптималлаштиришнинг босқичли тизими, банк активлари самарадорлигини баҳолаш усуллари «Алоқабанк» АТБ ва «Ипотека-банк» АТИБ филиалларида актив амалиётларни амалга ошириш жараёнига татбиқ этилган («Алоқабанк» АТБнинг 2019 йил 8 августдаги 13-09/3568-сон ҳамда «Ипотека-банк» АТИБнинг 2019 йил 25 ноябрдаги 14-3/9207-сон маълумотномалари). Таклифлар амалиётга жорий этилиши «Алоқабанк» АТБ тизимида йил бошига нисбатан тижорат кредитлари портфели ўртача фоиз ставкаси 15,7 фоиздан 18,5 фоизга, фоизли даромадларнинг жами даромадлардаги улуши 81 фоиздан 86 фоизга ўсишига, «Ипотека-банк» АТИБ тизимида активлар рентабеллиги кўрсаткичи 0,3 фоизли пунктга, тижорат кредитлари портфели ўртача фоиз ставкаси 3,2 фоиз ошишига олиб келган;

прогнозлаш бўйича ишлаб чиқилган эконометрик модель асосида «Алоқабанк» АТБнинг 2009-2018 йилларда активлари самарадорлигига омиллар таъсири баҳоланган («Алоқабанк» АТБнинг 2019 йил 8 августдаги 13-09/3568-сон маълумотномаси). Омиллар таъсирини баҳолаш натижасида банк капиталлашув даражасининг 1 фоизга ўсиши банк активлари қиймати 0,54 фоиз ўсишига, узоқ муддатли ресурслар қиймати 1 фоизга ўсиши эса банк активлари қиймати 0,36 фоиз ўсишига олиб келиши аниқланган;

тижорат банклари активларини ҳимоялашда «риск-аппетити»ни аниқлаш услубиётини қўллаш таклифи «Алоқабанк» АТБ кредит сиёсати»нинг «Кредит хатарларини бошқариш ва мониторингига қўйиладиган талаблар» бўлими, «Алоқабанк» АТБ банк таваккалчиликларини бошқариш сиёсати»нинг «Таваккалчиликларни баҳолаш», «Таваккалчиликлар мониторинги» бўлимларини ишлаб чиқишда, «Ипотека-банк» АТИБ таваккалчиликларини бошқариш сиёсати»нинг янги таҳририни ишлаб чиқишда фойдаланилган («Алоқабанк» АТБнинг 2019 йил 8 августдаги 13-09/3568-сон ҳамда «Ипотека-банк» АТИБнинг 2019 йил 25 ноябрдаги 14-3/9207-сон маълумотномалари). Таклифларнинг амалиётга жорий этилиши банк активлари бўйича мақбул «риск-аппетити» меъёрларини белгилашга имкон берган;

тижорат банклари фаолиятида «кредит конвейери» усулида кредитлаш механизмини қўллаш орқали активлар ҳажмини ошириш борасидаги таклифлар «Ипак йўли» АИТБ ва «Infinbank» АТБ чакана кредитлаш амалиётида жорий этилган («Ипак йўли» АИТБнинг 2019 йил 26 ноябрдаги 1-2/4733-сон ҳамда «Infinbank» АТБнинг 2019 йил 25 ноябрдаги 28/12/78-сон маълумотномалари). Таклифларнинг жорий этилиши «Ипак йўли» АИТБда

чакана кредитлаш ҳажми 22,5 млрд. сўмга, жами кредит портфелидаги улуши 11,2 фоизга ошишига, «Infinbank» АТБда янги дастурий скоринг технологиясини ишлаб чиқиш асосида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи йил бошига нисбатан 63,5 млрд. сўм ошишига олиб келган;

тижорат банклари кредитлаш амалиётида эрта огоҳлантирув эҳтимолий индикаторлари тизимини қўллаш таклифи «Ипак йўли» АИТБ ва «Infinbank» АТБ чакана кредитлаш амалиётида жорий этилган («Ипак йўли» АИТБнинг 2019 йил 26 ноябрдаги 1-2/4733-сон ҳамда «Infinbank» АТБнинг 2019 йил 25 ноябрдаги 28/12/78-сон маълумотномалари). Таклифнинг жорий этилиши «Ипак йўли» АИТБда банк мижозлари кредитларининг онлайн мониторингини такомиллаштириш, кредит портфелидаги 510,5 млрд. сўмлик кредитларнинг муаммога айланиш белгилари, «Infinbank» АТБда кредит портфелидаги 97 мижозга ажратилган жами 415,4 млрд. сўмлик кредитларнинг муаммога айланиш эҳтимолини олдиндан аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 6 та, шу жумладан, 4 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияда маъруза шаклида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, 1 ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган журналларда 6 та, нуфузли хорижий журналларда 5 та илмий мақола, илмий-амалий конференцияларда 4 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 260 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзуининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Банк активлари самарадорлигини оширишнинг назарий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида банк активлари амалиётларининг шаклланиш эволюцияси ва илмий-назарий ёндашувлари, соғлом банк активлари портфели шаклланишининг муҳим мезонлари ва тамойиллари тадқиқи, банк активлари самарадорлигини оширишнинг анъанавий ва замонавий усуллари илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

Миллий банк тизимининг иқтисодиёт равнақини белгиловчи асосий механизмга айланиб бораётганлиги замонавий банк маҳсулотлари қаторида актив амалиётларнинг сифат даражасини оширишни тақозо этмоқда. Бундай шароитда тижорат банклари молиявий ҳолатини яхшилашнинг асосий омиллари қаторида соғлом ва самарадор банк активлари портфелини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Банк активлари самарадорлигини ошириш фақатгина банк тизимининг эмас, балки бутун иқтисодиётни ривожлантириш доирасидаги масалалардан бири ҳисобланади. Тижорат банклари активлари самарадорлигининг пастлиги банклар вакиллик ҳисоб рақамларида ресурслар етишмовчилигининг юзага келиши, банкнинг молия бозоридаги мавқеининг пасайиши, аҳолининг банкка нисбатан ишончсизлиги каби муаммоларга олиб келади. Бундан ташқари, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларидан маълум бўлишича, банклар амалиётидаги иқтисодий тангликнинг салбий таъсирлари муайян давлат ёки ҳудуд билан чекланмасдан, балки жаҳон иқтисодиётида оғир муаммоларни юзага келтиради.

Банк активлари самарадорлигини таъминлашнинг комплекс табиати унинг моҳияти, муаммолари ва услубий асосларини аниқ белгилаб бериш зарурлиги билан ифодаланади.

Муаллифнинг қайд этишича, мамлакатимиз банклари амалиётида «банк активлари самарадорлиги» тушунчаси моҳиятининг етарлича ёритиб берилмаганлиги оқибатида банклар ўз активлари ҳақиқий ҳолатини акс эттиришда, асосан, «активлар сифати», «активлар ликвидлиги» бўйича талабларгина бажарилишига кўпроқ эътибор қаратмоқда. Бу эса, ўз навбатида, айти пайтда банкларда хорижий инвесторлар томонидан қизиқиш билдирилаётган активлар даромадлиги (ROA) кўрсаткичини яхшилашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис диссертацияда ушбу тушунчаларнинг қиёсий-услубий фарқланиш жиҳатлари очиб берилди (1-жадвал):

1-жадвал

Тижорат банкларида «активлар самарадорлиги (даромадлиги)», «активлар сифати», «активлар ликвидлиги» тушунчаларининг қиёсий-услубий фарқланиш жиҳатлари⁶

№	Тавсифловчи жиҳатлар	Активлар самарадорлиги (даромадлиги)	Активлар сифати	Активлар ликвидлиги
1.	<i>Мақсади</i>	Банкнинг даромадлилик кўрсаткичларини таъминлаш	Активлар билан боғлиқ рискларни пасайтириш	Банкнинг ўз мажбуриятлари тўлиқ бажарилишини таъминлаш
2.	<i>Вазифалари</i>	Жойлаштирилган активларнинг даромадлилигини ошириш	Активлар кадрсизланишини олдини олиш	Банк мажбуриятларини доимий таъминлаш имконини берадиган барқарор маблағларни шакллантириш
3.	<i>Объекти</i>	Активлар ҳажми, даромад, харажат	Активлар ҳажми	Актив ва мажбуриятлар ҳажми
4.	<i>Қамрови</i>	Банкнинг барча кўрсаткичлари	Барча актив амалиётлар	Активлар, мажбуриятлар, капитал
5.	<i>Таъминлаш усуллари</i>	Диверсификациялаш, баҳолаш, назорат	Захира яратиш, баҳолаш, мониторинг ўтказиш	Фарқ (ГЕП), баҳолаш, пул оқимини таҳлил қилиш

Диссертацияда илмий изланишлар асосида миллий банк тизими активлари самарадорлигини таъминлашдаги мавжуд долзарб муаммолар аниқланди ва тегишли гуруҳларга ажратилди. *Биринчи гуруҳ муаммоларига* активлар самарадорлиги омилларини аниқлаш, тизимлаштириш, уларнинг таъсир даражасини баҳолаш ҳамда мақбуллаштириш, *иккинчи гуруҳ муаммоларига* активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни аниқлаш, таснифлаш, баҳолаш ва уларнинг таъсир даражасини юмшатиш, *учинчи гуруҳ муаммоларига* актив амалиётлар самарадорлигини таъминлашнинг ташкилий асосларини белгилаб бериш, *тўртинчи гуруҳ муаммоларига* тижорат банкларида актив амалиётлар назоратини кучайтириш билан боғлиқ масалалар киритилди.

Биринчи бобда мавзу доирасидаги муаммолар ечимини топиш мақсадида тадқиқотнинг услубий асослари сифатида банк актив амалиётлари самарадорлигини белгиловчи асосий мезонлар, талаблар ва кўрсаткичларни аниқлаштириб бериш; муаммоли жиҳатлар ва омилларни тизимлаштириш, баҳолаш ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиш; хориж тажрибасини чуқур тадқиқ этиш орқали бу борадаги янги ва замонавий моделлар ҳамда усулларни миллий банк тизимига жорий этиш каби муҳим йўналишлар белгиланди.

⁶ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шу ўринда, мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёевнинг «...биз, аввало, четдан кредит ва сармоялар олиб келиш бўйича самарали тизим яратишимиз, ҳар бир кредитни аниқ ишлатишни ўрганишимиз лозим. Бу масалани етти ўлчаб, бир марта кесадиغان, оқибатини пухта ўйлаб иш олиб борадиган давр келди»⁷, деб таъкидлагани тижорат банклари актив маблағларининг иқтисодий-ижтимоий самарадорлигини оширишнинг барқарор тизимини ишлаб чиқиш долзарб эканлигидан далолат беради.

Диссертацияда тижорат банклари активлари самарадорлигини таъминлашнинг комплекс чора-тадбирларини ифодаловчи янги, поғонали модели таклиф этилди (1-расм):



1-расм. Тижорат банклари активлари самарадорлигини оширишнинг поғонали модели ва уни қўллашнинг асосий йўналишлари⁸

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – 80 б. (47 ва 48-бетлар).

⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

Фикримизча, банк активлари самарадорлигини ошириш модели активлар билан боғлиқ бўлган муаммолар ва уларнинг юзага келиш сабабларини батафсил баён этиши, активларнинг ҳар бир тури қай даражада жойлаштирилганлиги, активлардан кўрилаётган фойда даражасини аниқлаб бериши зарур.

Тижорат банкларида активлар самарадорлигини таъминлаш мураккаб, кўп босқичли жараён бўлиб, бир қатор аниқ талабларга таянишни талаб этади. Шу боис диссертацияда мазкур жараёнга нисбатан ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий талаблар ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «Банк активлари самарадорлигини оширишнинг назарий ва услубий асосларини такомиллаштиришда хориж тажрибаси» деб номланган иккинчи бобида банк активлари самарадорлигини оширишда хорижий мамлакатлар тажрибаси, ривожланган мамлакатларнинг тижорат банклари тизимидаги инновацион дастурий таъминот ва махсус платформалар хизматлари, кучли ва барқарор банк муҳитини яратишнинг АҚШ, Европа мамлакатлари, Россия тажрибаси таҳлили амалга оширилган.

Жаҳон банклари амалиётига кўра, соғлом активлар ҳажмини ошириб бориши банклар ривожланишининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Хусусан, «Banks around the World» ва «S&P Global Market Intelligence» нашрларининг ҳисоботларига кўра, «жаҳон банклари активларининг асосий улуши 100 та банк, жумладан, Хитой – 20 та, АҚШ – 10 та, Буюк Британия – 6 та, Франция – 6 та, Япония – 9 та, Германия – 6 та, Канада – 5 та, Жанубий Корея – 5 та, Бразилия – 5 та, Австралия – 4 та, Италия – 3 та, Испания – 3 та, Нидерландия – 3 та, Сингапур – 2 та, Швейцария – 2 та банклари ҳиссасига тўғри келмоқда»⁹.

Муаллифнинг фикрича, халқаро банк активлари самарадорлигини таъминлашдаги турли номутаносибликлар халқаро миқёсда банклар тармоғи инқирозга юз тутишига ҳамда халқаро иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари пасайишига олиб келади.

Бундай шароитда халқаро миқёсда банк тизимининг амал қилиш механизмларини тадқиқ этиш, халқаро банк активларининг шаклланиш ва тақсимланиш тамойилларини атрофлича ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

Бугунги кунда хориж банкларида қарз олувчилар молиявий ҳолатини баҳолаш, қарз олувчилар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг ишончли манбасини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш, активларнинг даромадлилик кўрсаткичларини ошириш устида жиддий ишлар олиб борилмоқда. Фикримизча, бу жараёнда АҚШ ва Европа мамлакатлари банклари тажрибаси қаторида ўзига хос ўзаро ўхшашликлар мавжудлиги нуқтаи назаридан Россия молия-банк тизими фаолиятини таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади (2-жадвал).

⁹ «The world's 100 largest banks». Standard & Poor. April 6, 2018, 2. <https://www.relbanks.com>.

Россиядаги айрим тижорат банклари активларининг рентабеллиги кўрсаткичи, 2019 йил 1 январь ҳолатига¹⁰

№	Банклар номи	Активларининг рентабеллиги кўрсаткичи, фоизда	Соф фойда ҳажми, млрд. рублда
1.	Сбербанк	3,6	847,9
2.	«ВТБ» банк	0,8	75,9
3.	Райффайзенбанк	3,5	29,7
4.	Почтабанк	3,4	6,7
5.	Россельхозбанк	0,2	5,5

Таҳлилларга кўра, Россияда сўнгги йилларда активлар рентабеллиги кўрсаткичининг энг юқори даражаси «Сбербанк»да кузатилмоқда.

Россия банк тизимида 01.01.2019 йил ҳолатига, активларнинг юқори ўсиш даражаси ҳам «Сбербанк» ҳисобига тўғри келди, мазкур ҳисобот даврига банк активлари ҳажми 1,5 трлн. рублни ташкил этиб, ўтган даврга нисбатан 6,6 фоиз ошди. Бунинг асосий омиллари сифатида банкда активларнинг тизимли равишда соғломлаштирилиши, комисион ва қимматли қоғозлар амалиётларидан олинган даромадлар ўсиши кабиларни келтириш мумкин. Шунингдек, «Сбербанк» ўз амалиётига рақамли банк тизимларини фаол жорий этиш орқали активлар назоратини мустаҳкамламоқда.

Тадқиқотларга кўра, айти пайтда миллий банк тизимида кредитлаш амалиётлари ва андеррайтинг халқаро стандартларини, жумладан «*рақамли банк концепцияси*»ни жорий этиш тадбирлари нисбатан суғу олиб борилмоқда. Шу ўринда, Президент Ш. Мирзиёевнинг "...афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10 — 15 йил орқада қолмоқда", деб таъкидлагани ҳам фикримизнинг яққол исботидир¹¹. Бунинг натижасида тижорат банкларида иш ташкил этишнинг аъанавий технологияларидан воз кечиш, инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш борасидаги муаммолар сақланиб қолмоқда.

Муаллиф ушбуларни инобатга олган ҳолда, бобда жаҳоннинг АҚШ, Россия, Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Хитой каби илғор мамлакатлари ҳамда бир қатор йирик банклари амалиётида «рақамли банк концепцияси», банк самарадорлиги ва таваккалчилигини баҳолашнинг ахборот-аналитик тизимлари, кредитга лаёқатлилиқ таҳлили борасидаги тажрибаларни тадқиқ этган. Ушбу тадқиқотлар асосида хориж тажрибасида рақамли банк концепциясининг асосий йўналишлари сифатида муваффақиятли қўлланилаётган «кредит конвейери» усули орқали мижозларни фаол кредитлаш, актив амалиётлар бўйича юқори эҳтимолий рисклар таъсирини «риск-аппетити» услубиётини қўллаш орқали

¹⁰ Rating of the largest Russian banks in terms of profitability as of January 1, 2018 [Electronic resource] //»RIA Rating» (date of access: March, 31 2018).

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. - Т.: «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19.

камайтириш, «эрта огоҳлантирув эҳтимолий индикаторлари тизими»ни кенг қўллаш орқали соғлом активлар портфелини шакллантириш борасида таклифлар берилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг самарадорлик кўрсаткичлари замонавий ҳолати ва ривожланиш тенденциялари» деб номланган учинчи бобида тижорат банклари активлари самарадорлик кўрсаткичларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, тижорат банклари активларининг самарадорлик кўрсаткичларининг амалдаги ҳолати, тижорат банклари активларининг самарадорлик кўрсаткичларига таъсир қилувчи омиллар таҳлиliga қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаллиф ишда халқаро банк амалиётида тижорат банклари активлари самарадорлигини баҳолашда фойдаланилаётган кўрсаткичларни миқдорий, сифат, қиёсий ва интеграл гуруҳларга ажратган ҳолда тадқиқ этган. Бунда банк активлари портфели ҳолатини комплекс баҳолашда активлар рентабеллиги (ROA-Return On Assets) кўрсаткичи шаклланиб боришини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга (3-жадвал):

3-жадвал

Ўзбекистондаги айрим тижорат банклари активлари рентабеллиги кўрсаткичининг динамикаси, *фоизда*¹²

№	Банklar номи	2014	2015	2016	2017	2018	2019
1.	«Алоқабанк» АТБ	2,6	2,6	2,5	3,2	3,2	2,7
2.	«Ипак йўли» АИТБ	2,4	2,4	2,7	3,3	4,5	3,9
3.	«Ҳамкорбанк» АТБ	3,5	4,1	3,6	3,5	3,1	3,4
4.	«Ипотека-банк» АТИБ	1,7	1,6	1,5	2,9	1,5	1,8
5.	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ	1,0	1,0	0,9	0,5	1,1	1,9

3-жадвал таҳлилидан кўринадики, 2014-2019 йиллар оралиғида танланган тижорат банкларида активлар рентабеллиги кўрсаткичининг ўртача йиллик ўзгариш фоизи «Алоқабанк» АТБ (+0,02), «Ипак йўли» АИТБ (+0,30), «Ҳамкорбанк» АТБ (-0,02), «Ипотека-банк» АТИБ (+1,80), «Қишлоқ қурилиш банк» АТБда (+0,18) турлича миқдорларни ташкил этмоқда.

Диссертацияда активлар рентабеллиги кўрсаткичининг йиллик ўзгаришидаги мавжуд мазкур тафовутлар бир қатор ички ва ташқи омиллар таъсирида юзага келаётганлиги аниқланган. Айниқса, банк фаолияти кенгайиб, активлар ҳажми ошган сари рақобат муҳитининг кескинлиги, банк таваккалчилиги даражаси каби омиллар таъсирининг етарлича ўрганилмаслиги активлар даромадлиги кўрсаткичлари пасайишига олиб келади.

Ушбу бобда тижорат банклари активлари самарадорлигига омиллар таъсирини баҳолашнинг амалдаги механизмидаги мавжуд муаммолар тизимлаштирилган. Бунда, *биринчи гуруҳ муаммоларига* банк менежменти даражаси билан боғлиқ, *иккинчи гуруҳга* омиллар таъсирини баҳолаш

¹² Тижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

усулларини такомиллаштириш жараёнидаги, *учинчи гуруҳга* эса омилларни таҳлил этишнинг дастурий-технологик муаммолари киритилган.

Тадқиқотчи ушбу муаммоларни ижобий ҳал этиш юзасидан диссертация ишида тижорат банклари активлари самарадорлигига микроиқтисодий ва макроиқтисодий омиллар таъсирини баҳолаш моделини таклиф этган. Таклиф этилган модель тижорат банклари активлари самарадорлигига миқдорий ва сифат омиллари таъсирини баҳолашни назарда тутди.

Ушбу бобда «Алоқабанк» АТБ маълумотлари асосида активлар самарадорлигига макро ва микро даражадаги омиллар таъсирининг корреляцион боғлиқлиги эконометрик таҳлили ўтказилди.

Эконометрик таҳлил «панел маълумотлар» усули бўйича, омиллар сифатида эса банкнинг 2009-2018 йиллар учун жами активлари, капиталли, ресурс базаси миқдори, миқдорлар сони ва уларнинг ҳисоб рақамлари айланмаси, банк кредитларининг ўртача фоиз ставкаси, ҳудудлардаги рақобатчи банклар сони каби кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Шунингдек, тадқиқотда чизикли, экспоненциал ва полиномиал сценарий усуллари бўйича танланган омиллар таъсирида банк активлари қиймати ўсишининг 2020-2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари аниқланди (4-жадвал):

4-жадвал

«Алоқабанк» АТБ активлари қиймати ўсишининг 2020-2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичи, млрд.сўмда

Йиллар	1-сценарий чизикли $y=0.5316x+2,7032$ $R^2=0,960183$	2-сценарий экспоненциал $y=2,7032e^{0,005x}$ $R^2=0,52$	3-сценарий полиномиал $y=0,2955x^2+0,5436x+6,4205$ $R^2=0,950289$
2020	9 712	9 199	10 175
2021	10 237	9 912	11 545
2022	10 790	12 678	13 099
2023	11 685	17 679	14 862

4-жадвалга мувофиқ, эконометрик таҳлил натижаларига кўра, танланган омиллар таъсирида 2023 йилда «Алоқабанк» АТБ активлари қийматининг ўсиши чизикли сценарий усулида 11685 млрд. сўмни, экспоненциал сценарий усулида 17 679 млрд. сўмни, полиномиал сценарий усулида 14 862 млрд. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Ўтказилган эконометрик таҳлил бўйича муаллифнинг хулосаларига кўра, «Алоқабанк» АТБ активлари қиймати ўсишига банк ресурслари ҳажми ва банк капиталлашуви даражаси каби омиллар ижобий, ҳудудларда банклар сонининг ошиши омили эса салбий таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда тижорат банклари активларининг самарадорлигини оширишнинг амалий ва услубий асосларини такомиллаштириш йўллари» деб номланган тўртинчи бобида тижорат банклари активлари сифатини интенсив оширишнинг амалий ва услубий муаммолари, тижорат банклари активларининг макро ва микро тақсимоли инструментларини қўллашнинг асосий жиҳатлари, тижорат банклари

активларини ҳимоялашда рискларни бошқаришнинг амалий ва услубий муаммоларини ҳал этиш йўллари ёритилган.

Тижорат банкларида фақат даромадли актив амалиётлар ҳажмини ошириш стратегиясига асосланиш активлар самарадорлигини оширишни тўлиқ қафолатлай олмайди. Чунки кредит бозорида етарли талабнинг мавжудлиги, ҳукуматнинг кредит экспансиясини рағбатлантириш сиёсати ҳам актив амалиётлар фаоллигига ижобий таъсир қилиши мумкин.

Фикримизча, актив амалиётлар самарадорлигига эришиш учун дастлаб молия-кредит тизимининг соғломлигини таъминлаш, активларни иқтисодий соҳаларига жойлаштириш борасидаги муносабатлар ва дастакларни оқилона ташкил этишни таъминлаш лозим.

Шу мақсадда, тадқиқотчи диссертациянинг мазкур бобида бугунги кунда тижорат банклари амалиётида активлар ҳажмини интенсификациялаш борасидаги мавжуд амалий ва услубий муаммоларни аниқлаган ҳамда уларни ижобий ҳал этиш борасида бир қатор зарур таклифларни берган. Бунда муаммолар активлар портфелини шакллантириш, активларни жойлаштириш, активларни назорат қилиш бўйича гуруҳларга ажратилган. Хусусан, *биринчи гуруҳ муаммоларига* банк ички меъёрий ҳужжатларида соғлом активлар портфелини шакллантириш бўйича талаблар етарлича белгиланмаганлиги, *иккинчи гуруҳ муаммоларига* инсон омили орқали амалга ошириладиган актив амалиётларни банкларнинг барча филиалларида ягона стандартлар бўйича бажаришнинг мураккаблиги, мижозларни кредитлаш ҳужжатлари, аксарият ҳолларда, қўлда расмийлаштирилиши сабабли, кредит ажратиш муддатини ниҳоятда чўзилиб кетаётганлиги, кредитлаш айрим ортиқча босқичларда амалга оширилаётганлиги, активларни жойлаштириш борасидаги қарорларда номувофиқликларнинг мавжудлиги, *учинчи гуруҳ муаммоларига* эса тижорат банкларида муаммоли активларни олдиндан аниқлашнинг самарали механизми амал қилмаётганлиги, комплекс омилли таҳлилнинг талаб даражасида ташкил этилмаганлиги каби масалалар киритилган.

Диссертацияда тижорат банкларида соғлом активлар портфелини шакллантириш муаммосини ҳал этишнинг муҳим омили сифатида кредитлаш салоҳиятини мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланган ҳамда бу борада қатор таклифлар илгари сурилган.

Фикримизча, тижорат банкларининг кредитлаш салоҳиятини мустаҳкамлашда дастлаб банкнинг самарали инфратузилмасини шакллантиришга эътибор қаратиш зарур. Банк инфратузилмаси оптимал даромадлиликни таъминлаш учун зарур кредит ресурслари манбаини тўплашда муҳим ўрин тутди. Бунда иқтисодий ресурслар фаол ҳудудларда ихчам банк офисларини жойлаштириш, уларни ривожлантириш бўйича қарорларни қисқа муддатларда қабул қилишни йўлга қўйиш тавсия этилади.

Шунингдек, барқарор кредит ресурслари манбаини шакллантириш мақсадида депозит манбаларини диверсификациялаш, мунтазам равишда мижозларга йўналтирилган, эгилувчан тариф сиёсатини шакллантириб бориш, банк хизматлари кўрсатиш механизмини мижозларга қулай тарзда, инновацион бизнес жараёнлар ва янги технологияларга асосланган ҳолда

